

# Маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди

// 20 noyabr 2024 йил

<https://pda.uzkymyosanoat.uz/uz/press/news/0f977916-aecc-4c7c-90a7-971a5819bcdb>



«Ўзқимёсаноат» АЖда 18 ноябрь Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан «Байроғим – миллат ифтихори» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ёшларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда тармоқ корхоналари фаол иштирок этишди.



Ишчи-ходимлар томонидан давлат байроғининг қадр-қиммати, миллат ғууруни юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда саҳналаштирилган чиқишлар намойиш этилди.



